O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2006** йил, **3** ноябрь, жума № **44** (2171).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **3** ноября, **2006** год, № **44** (2171).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена свободная

Ҳеч шубҳасиз, буюк аждодларимиз меросига таянган ҳолда, ҳозирги замон ва тараққиётнинг янги ва юксак чўққиларини эгаллашга интилишимиз, ўзимизнинг нималарга, қандай улкан ишларга қодир эканимизни амалда намоён этишимиз, барчамиз, аввало навқирон авлодимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт.

**Ислом КАРИМОВ**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни, аввало, сиз, азиз мезбонларимиз – Хоразм аҳлини, бугунги маросимда иштирок этаётган хорижий меҳмонларимизни, жамоатчилик вакилларини, бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ ва унутилмас сана – Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун Хоразм Маъмун академиясининг шонли санаси ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, бутун дунёга юксак ном ва довруғ таратган бу илму фан ўчоғи айнан Хоразм воҳасида тузилгани, бунинг учун қандай замин, қандай шароит асос бўлгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак, айни муддао бўлур эди.

Башарият тарихи шуни кўрсатадики, халқлар ва жамиятлар ҳаётида цивилизация ва маданият ривожи ҳеч қачон ўз-ўзидан ва тасодифан пайдо бўлиб қолмайди.

Бу борада биринчи галда ҳар қандай тараққиётнинг асосий шарти бўлган объектив омил ва ҳолатлар мавжуд бўлиши лозим. Айнан кўп йиллар давомида тўпланиб, вужудга келадиган қулай шароит ва вазият, шу заминда униб-ўсган истеъдодлар, турли соҳаларда олиб бориладиган чуқур изланишлар тадрижий ривожланиб, охир-оқибатда мана шундай мантиқий натижаларга олиб келиши табиийдир.

Бошқача айтганда, ижтимоий ва маданий тараққиётнинг юксак чўққиларини эгаллашга ҳаракат қилиб, шу мақсад сари интилиб яшайдиган ҳар қайси миллат бу йўлда давомли ва машаққатли, ўзига хос тарихий ривожланиш босқичларидан албатта ўтиши зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Маъмун академиясининг айнан саховатли Хоразм заминида пайдо бўлишини ҳар томонлама объектив қонуний ҳолат деб қабул қилишимизга тўлиқ асос бор.

Тарих буни жуда яхши билади – бу бетакрор ўлкада жуда қадим замонлардан бошлаб ўтроқ турмуш тарзи, деҳқончилик ва суғориш тартиби, савдо ва ҳунармандчилик, маданият ва таълим юксак даражада ривож топгани барчамизга аён.

Жаҳон маданиятининг ноёб маънавий ёдгорлиги бўлган, одамзодни эзгулик ва бунёдкорликка даъват этадиган «Авесто» китоби бундан 2700 йил олдин мана шу диёрда яратилгани, Шарқ гавҳари бўлмиш Хива шаҳрига ҳам бундан икки ярим минг йил аввал айнан шу ерда пойдевор солингани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Хоразм Маъмун академиясининг майдонга келиши, ҳеч шубҳасиз, айнан шу даврда бу минтақада кучли марказлашган давлатчилик тизимининг ҳукм сургани билан узвий боғлиқдир.

**(Давоми 2-бетда).**



Комолиддин ТЎРАЕВ сурати олган.

***Посбонликнинг ҳар они шараф!***

## ИЛМУ МАЪРИФАТ ЗИЁСИ ҲЕЧ ҚАЧОН СЎНМАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хива шаҳрида Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.**

Хоразм – қадимий тамаддун бешикларидан бири, “Авесто”дек нодир ёдгорлик яратилган юрт. Илму урфон оламида довруғ қозонган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замаҳшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби алломалар вояга етган диёр. Хоразм – ўтмиши бой, келажаги мунаввар замин.

Истиқлол кўҳна Хоразм тарихида янги, юксалиш даврини бошлаб берди. Бутун мамлакатимизда бўлганидек, бу кўҳна диёрда ҳам мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида ўзликни англаш, миллий ғururни уйғотиш, халқимизнинг бой тарихи, улуғ алломалари, бетакрор мероси, асрий анъаналарини тиклаш ва тарғиб қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, “Авесто”нинг 2700 йиллиги, халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонлангани, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорлик мажмуаларининг бунёд этилиши ана шу хайрли ишлар сирасига киради.

Давлатимиз раҳбари Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда инсоният тарихидаги илк академиялардан бири – Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш таклифини билдирган эди. 1997 йилнинг 11 ноябрида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

X асрнинг охири XI асрнинг бошларида Хоразмдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий юксалиш, илм аҳлига ҳурмат-эътибор, меҳр-мурувват ўша даврнинг энг машҳур ва кўзга кўринган олимларини Гурганчда тўплади.

Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун тахтга ўтиргач, хоразмшоҳлар саройидаги илмий анъаналарни давом эттириб, олимларга алоҳида эътибор билан қаради ва илмий тадқиқотлар олиб бориш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Манбаларда Маъмун саройида олимларнинг катта гуруҳи тўпланганлиги ва хоразмшоҳ уларга ҳомийлик қилиб келгани эътироф этилади.

Маъмун академиясида фалакиёт, математика, табобат, кимё, жуғрофия, минералогия каби фанлар билан бир қаторда тарих, фалсафа, адабиёт, тил, фиқҳ каби ижтимоий фанлар ҳам ривожлангани яхши маълум.

**(Давоми 2-бетда).**

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**

## ЮҚОРИ СТАНДАРТЛАР САРИ

**(Давоми. Боши ўтган сонда).**

Маълумки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати республика экспорт салоҳиятини оширишда алоҳида ўрин тутади. Рақобатбардошлик эса, анъанага кўра нарх, фойдаланиш харажатлари, сервис, маҳсулот етказиб берувчининг обрўси ва мақоми, асосийси эса таклиф қилинаётган товарнинг юқори сифати сингари омиллар билан белгиланади. Бинобарин, маҳсулот ва хизматлар сифати миллий манфаатларни амалга оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг маҳсулотга доир мувофиқлик сертификатлари ва сифат менежменти тизимини тан олиш учун шароитларни яратиш муҳимдир. Бу эса дунёдаги бошқа давлатлар билан бир-бирларини тан олиш тўғрисида битимлар тузишга, шунингдек, мамлакатимизнинг маҳсулотлар ва хизматлар мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича идоралари аккредитация мақомини оширишга, халқаро сертификатлаштириш институтларида рўйхатдан ўтказилган эксперт-аудиторлар сонининг кўпайишига имкон яратади.

Сифат борасида мукофотлар, грантлар ва танловлар ташкил этиш, сифат тизимини сертификатлаштирган корхоналарга давлат буюртмаларини тақдим этиш, сифат омилларини ҳисобга оладиган мослашувчан солиқ ва валюта-кредит сиёсатини ўтказишдан иборат бўлган давлат мадади сифат менежменти тизимларини сертификатлаштиришни жорий этишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

**(Давоми 8-бетда).**

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



## 3. ДЎППИСИДА, АТЛАСИДА ҚАДРИЯТ ЯШАР

**(Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига)**

Президентимизнинг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» ги Қарорига мувофиқ тўйга қизғин ҳозирлик кўриляпти. Юртбошимиз яқинда, яъни сентябрь ойида Фарғона вилоятига қилган сафари чоғида юбилейга тайёргарлик ишлари қандай кечаётгани билан қизиққани, жумладан, янги, замонавий тиббиёт коллежига борганини яхши биламиз. Марғилон шаҳри ҳокимининг ўринбосари Хуршиджон Аҳмедов етакчилигида шаҳар кўркига кўрк қўшаётган, тўйга тўёна тарзида фойдаланишга топширилган, бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган иншоотлар билан ҳам танишар эканмиз, тиббиёт коллежига ҳам бордик. Барно Исмоилова директорлик қилаётган мазкур иккинчи тиббиёт коллежи 360 ўринга мўлжалланган экан. Кишининг кўзи қувнайди, ҳаваси келади. Бугунги авлод ана шундай замонавий, шинам ўқув масканларида таълим олмоқда, касб-ҳунар эгалламоқда. Улар билимда, маънавиятда, интеллектуал салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмасликлари лозим. Ҳеч кимдан кам бўлмас экан, бошқаларга бўйин эгмайди. Ўз фикри, ўз ақли, ўз қобилияти билан миллати, юрти равнақига беқиёс улуш қўшади.

**(Давоми 8-бетда).**

Муштарийларимизга

## ФАОЛ ВА ПУХТА ТАЙЁРЛАНГАН КАДРЛАР

Мард ўғлон аскарликдан қайтмоқда. Халқининг, юртининг суянган тоғига айланиб. Муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшаган фарзандларини янгича парад-либосларида яқинлари бағрига талпинаётган алпларни ота-оналар, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик шоду хуррамлик билан кутиб олишмоқда. Бир сўз билан айтганда, халқимиз шарафли бурчни ўтаб қайтган ўз ўғлонлари, марду майдонлари билан зўр тантана ила дийдорлашяпти.

Армияни ҳаёт мактаби, йигитлик мактаби дея кўп бора эътироф этганмиз. Сабаби маълум. Ҳаётдан улкан сабоқлар беради, йигит кишини ҳар томонлама тоблайди, чиниқтиради. Йигитлик мактаби бўлган армияда умрига татигулик сабоқлар олиб, ҳар томонлама чиниқиб, резервга бўшаган – ёруғ юз билан уйига қайтаётган ўғлонларимизга бир назар ташланг-а. Кўзларида, қалбларида Ватан сурати муҳрлангандек. Она юрти Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида ёниб яшашга, жавлон уришга шай туришган бу шунқорларга ҳар қанча суянишимиз, таянишимиз мумкин. Ишончимиз комилки, резервга бўшаган аскарларимиз бор кучини, билимини, ҳаёт мактаби бўлган армияда олган сабоқларини, керак бўлса, борлиғини юртининг буюк келажаги йўлида сафарбар этади.

Армия мактабини шараф билан ўтаган йигитларга қарата Президентимиз шундай деган эди: **«...Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда».** Дарҳақиқат, шундай. Негаки, юрт ҳимоясидек шарафли ва масъулиятли вазифани шараф билан ўтаган экан, Ватан тақдири, келажаги йўлидаги ҳар қандай ишда уларга бемалол суяниш, таяниш мумкин.

Бугун ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган ўғлонларимизнинг бандлиги, иш билан таъминланиши масаласига давлатимизнинг эътибори юксак. Тоғни талқон қилишга шай турган йигитнинг ўз кучи ва билимини Ватани келажаги йўлида сарфлашга улкан имкониятлар яратиб берилмоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига резервга бўшаганларни иш билан таъминлаш борасида алоҳида кўрсатмалар берилмоқда. Муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилганларнинг бандлиги борасида бугун мукаммал бир тизим шаклланган, дея бaралла айта оламиз.

Аскарликдан қайтган ўғлонларнинг илм-маърифат чўққиларини эгаллашларига, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишларига улкан аҳамият берилмоқда. Тавсиянома билан олий ўқув юртларига ўқишга кираётган ёшлар зиё масканларида юксак интеллектал салоҳиятларини, иқтидорларини намоён этишиб, тенгдошлари орасида етакчилик қилишаётир.

Ватанимиз, халқимиз сенга шунчалар улкан ишонч билдираётган экан, шунга муносиб бўл, армиядан қайтган йигит!

**ТАҲРИРИЯТ**

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**



## ОЛИС ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ

**Газетамизнинг 2006 йил июнь ойи сонларида мухбиримиз майор Алижон Сафаровнинг Хоразм Маъмун академиясининг минг йиллигига бағишлаб ёзган туркум мақолаларини берган эдик. Бугун «Халқ сўзи» газетасининг 1 ноябрь сонида чоп этилган ушбу санага бағишланган суҳбатни кўчириб эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.**

Сир-синоатларга тўлиб-тошган салкам уч минг йиллик тарихимизни улкан уммонга қиёс этсак, унда маданиятимизнинг янги-янги ноёб топилмалари жилоланиб кўринаверади. Инсон ақл-заковатининг нодир ёдгорлиги ҳисобланган Хоразм Маъмун академияси («Байтул-ҳикма» – «Донишмандлар уйи») ана шундай бебаҳо дурдоналардан биридир. Бундан минг йил муқаддам машҳур олимларимиз оламшумул кашфиётлари билан нафақат Шарқни, балки Ғарбни ҳам лол қолдириб, бутун дунёга донг таратдилар. Афсуски, исбот талаб қилмайдиган бу ҳақиқат неча-неча замонлар бизга мутлақо ёт сиёсат соясида қолиб кетди.

**(Давоми 8-бетда).**


2 ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД
ЙИГИТ УЧУН ФАХРДИР, ҒУРУРДИР БУ КУН


3 ҚИШКИ МАВСУМ ОЛДИДАН
ТЕХНИКА ҚУДРАТИ ШАЙЛИКДА


11 ТВОЙ РОВЕСНИК
ДЕВУШКА НЕДЕЛИ


12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
ОЛОВҚАЛБ АДИБ

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА




# МАҲОРАТ, САДОҚАТ, МАРДЛИК БЕЛЛАШАР

2003 йилнинг декабрь ойи охирлари. Президентимиз – Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ватан ҳимоячилари куни байрамини нишонлаш борасидаги фармойишга имзо чекди. Унда муҳим бир янгилик ҳақида сўз борганди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мазкур муҳим ҳужжатда ҳарбийларимизнинг касбий малакаси, маҳоратини янада ошириш учун танловлар ташкил этиш ва ўтказиш борасида кўрсатмалар берилганди. Бу билан давлатимиз раҳбари давр талаб этаётган муаммонинг ўзига хос ечимини кўрсатиб берди. Ахир, ислоҳотлардан кўзлаган мақсадимиз, ниятимиз тинчлигимиз, хавфсизлигимизнинг, сарҳадларимизнинг метин қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армияни шакллантириш эди-да. Армияни, жанговар қудратимизни, ҳарбий маҳоратимизни юксалтирадиган куч эса, табиийки унинг сафларида хизмат қилаётган фидойи инсонлар – ҳарбийларимиздир. Демак, уларнинг маҳорати ошса, Қуролли Кучларимиз жанговар қудрати янада шаклланган бўлади. Қўшинлардаги жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, Қуролли Кучлар турлари, хиллари ўртасидаги ўзаро тезкор уйғунликни таъминлаш, шахсий таркибнинг жанговар ўқув тайёргарликларини сифатли ўзлаштиришлари учун маҳорат керак эди. Замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа ҳисобига моддий-ўқув базамиз шаклланаётгани учун ҳам маҳорат зарур эди. Ҳар қандай тактик ҳолатда энг мураккаб вазифаларни ҳал қила олиш, сон жиҳатдан катта бўлмаган, тезкор ва ихчам бўлинмаларни шакллантириш учун ҳам керак эди, маҳорат.

Мазкур янгиликни ҳарбийларимиз кўтаринки руҳда қаршилашганлари эсимда. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Юртбошимиз илгари сурган ташаббус Фармойиш билан тасдиқланиб, танлов ва унинг низоми ишлаб чиқилди. 2004 йилнинг февралида Президентимизнинг Фармойишига кўра Қуролли Кучлар бўйича «Энг илғор мутахассис» танлови ташкил этилганини назарда тутяпмиз. Келинг, шу ўринда мавзуга чуқурроқ кириб, танлов мазмун-моҳиятини, унда илгари сурилган муҳим вазифаларни санаб ўтайлик.

Аввало бир нарсани таъкидлаш лозим. Республикамизда соҳалар бўйича турлича танловлар ўтказилиб келинмоқда. «Йилнинг энг яхши журналисти», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси», «Ташаббус» каби танловлар шулар жумласидан. Моҳиятан олиб қараганда, ҳар қандайин танлов ҳам ўша соҳадаги мутахассисларнинг касбий маҳорати, малакасини ошириш, уларни рағбатлантиришга йўналтирилган. Ҳарбийлик бошқа мутахассисликларга кўра кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этишини яхши биламиз. Демак, ҳарбийларимиз орасидан ҳам касбига, бурчига садоқатли, юксак ақл-заковатга, касбий маҳоратга эгаларини танлаш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш, тарғибот қилишни ҳам давр биздан талаб этди.

Яхши биламиз, замонавий армияда турникда тортилиш, нишонга бехато отиш ва шунга ўхшаш тайёргарликларнинг ўзи камлик қилади. Бугуннинг посбони нафақат жисмонан бақувват бўлмоғи, балки юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти билан ҳам ажралиб турмоғи лозим. Ахир, унга Ватани, халқи энг замонавий техника, қурол-аслаҳани ишониб топширмоқда. Бугуннинг посбони садоқатда, ватанпарварликда тенгсиз бўлмоғи керак. Негаки, она-юрти – муқаддас тупроғини кўз қорачиғидек асраш, истиқлолни ҳимоялаш, сарҳадларни дахлсиз сақлашдек масъулиятли, шарафли вазифалар зиммасида. Хуллас, «Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор батальон командири» каби номинацияларда танлов ўтказила бошланди.

Танлов низомида кўзланган асосий мақсад сифатида ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, Ватанга, танланган мардлар касбига муҳаббатга йўғрилган анъаналарни шакллантириш каби олижаноб вазифалар илгари сурилди. Кичик ва ўрта командирлик бўғинлари лавозимидаги ҳарбийларимиз касбий ўсишларини рағбатлантириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятлари, етакчилик сифатларини шакллантириш, қўшинларда юксак маънавий-жанговар руҳ, соғлом рақобат муҳитини яратиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби мақсадлар олдинга қўйилди. Хўш, кўзлаган мақсадларимизга қай даражада эришиб келяпмиз?

Танлов илк бор ўтказилганда «Энг илғор сержант» номинациясида кичик сержант Жасур Ирисов ғолиб деб топилди. Касбига, соҳасига қалб қўри билан ёндашган ҳарбий хизматчи барча рақобатчиларни доғда қолдирди. Интеллектуал салоҳияти юксаклигини кўрсатди. Моҳир етакчи эканлигини, тажрибали кичик командирлигини исботлади. Қолаверса, унинг ғолиблиги ҳарбийликдек шарафли касбдан фахрланиш, ғурурланиш ўз рағбатини топаётганидир. Танлов ҳарбий хизматчининг хизмат поғоналаридан ўсиш истиқболларини ҳам таъмин этишга қаратилган, дедик. Қаҳрамонимиз 2003 ўқув йили якунлари бўйича танлов ғолиби бўлган бўлса, 2004 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирди. Бу хизмат поғоналаридан ўсишига замин яратилди, дегани. Ҳадемай қаҳрамонимиз офицер бўлади, профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямизга мардонавор хизмат қилади. Танлов сабаб посбоннинг билим, тажриба, имкониятлари юзага қалқиб чиқди, дейишга тўла асосимиз бор. Ютуғимиз ҳам шунда эмасми?!

Танлов кадрлар билан ишлаш тизимининг ҳам такомиллашига хизмат қилиб келмоқда. Масалан, Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйида Президентимиз Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланган капитан Миразиз Мираҳмедовни олайлик. Соҳаси, касби бўйича вазифаларни бажарар экан, ҳеч кимдан кам эмаслигини, кам бўлмаслигини кўрсатишга интилади, бу офицер. «Энг илғор мутахассис» танлови илк бор ўтказилгандаёқ у ана шу хусусияти сабаб, барча илғор взвод командирларини ортда қолдириб, ғолиб бўлди. «Энг илғор взвод командири» номинациясида биринчи ўринни олиб, муносиб тақдирланди. Демак, бу унинг шахсий таркиб билан самарали ишлай олишидан, командирлик, етакчилик қобилияти юксаклигидан далолат. Табиийки, бундайин тажрибали офицер қўмондонлар назарига тушди. Натижада унга юксак ишонч билдиришиб, батальон командири вазифасига кўтаришди. Тажриба, маҳорат яна ўз сўзини айтди. Капитан 2005 ўқув йили якунларига кўра «Энг илғор батальон командири» деб топилди. Энди у Қуролли Кучларимиз академиясига ўқишга киришга чоғланмоқда. Бундайин мисолларни кўпдан-кўп келтириш мумкин.

Танлов йилдан-йилга такомиллашяпти. Мукофот, рағбатлар ҳам ортмоқда. Ҳар йили Ватан ҳимоячилари кунида «Энг илғор мутахассис» танловининг ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш зўр анъанага айланмоқда. Хулоса қилиб айтганда, ҳаётини, тақдирини Қуролли Кучларимиз билан боғлаган кўплаб ҳарбийларимизга қўш қанот бахш этмоқда, танлов. Ислоҳотларимиз сабаб эришаётган ютуқларимизга ўзига хос кўзгу бўлмоқда, ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурч, деб биладиган мардларни кашф қилмоқда, танлов.

**Майор Алижон САФАРОВ.**

Ҳарбий аёлларимиз

# МОҲИР АЛОҚАЧИ

**Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Замира Амированинг ҳарбийлар сафига қўшилганига яқинда ўн йил бўлади. Ўтган давр мобайнида у интилувчанлиги, билимдонлиги, касбига бўлган чексиз меҳри туфайли, бор имкониятларини ишга солиб, катта механик-алоқачи сифатида ўз жамоасида юқори обрў-эътиборга эга бўлди.**



– Оддий аскар Амирова бажараётган вазифасига виждонан ёндашиши, инсонийлик фазилатлари, беминнат ёрдамини ҳеч кимдан аямаслиги сабабли сафдошлари ўртасида ҳурматга сазовордир, – дейди офицер Эшмўмин Қўйлиев. – Шунингдек, ўз ишининг ҳақиқий жонкуяри, замонавий алоқа воситаларини яхши биладиган моҳир ҳарбий профессионаллардан биридир.

Замира оиладаги беш фарзанднинг иккинчиси ва анчагина эрка қиз бўлган. Шунинг учунми, отаси Жалғас ака билан онаси Ҳимоят опалар доим унинг раига қарашган. Болалиги Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида ўтган Замира Термиз техника коллежини аъло баҳоларга тугатиб, бир мунча вақт қурилиш базасида ҳисобчи бўлиб ишлаган. Ёшликнинг энг гўзал, энг ширин, унутилмас туйғуси бўлган муҳаббат унинг қалбини ҳам забт этади. У ҳарбий касб эгаси бўлмиш шартнома асосидаги хизмат сержанти Шерали Фармонов билан кўнгил ришталарини бир умрга боғлайди. Шералининг шарафли касби туфайли унда ҳам ҳарбийликка ҳавас уйғонади. Алоқачилик курсини муваффақиятли тугатган Замира бугун бир бахтли оиланинг бекаси ҳамда орзуси рўёбга чиққан моҳир алоқачидир.

– Жанговар шайликни оширишда, уни мустаҳкамлашда алоқанинг ўрни ниҳоятда катта, – дейди у биз билан суҳбатда. – Шуни чуқур ҳис қилган ҳолда ўз вазифамни сидқидилдан бажараман. Ўз касбимни, ишимни қаттиқ севаман. Ватан ҳимоясидек шарафли ва ўта масъулиятли вазифани бажараётган фидойи инсонлар билан бир сафда хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Устозларим офицерлар Воҳоб Рустамов, Тўлқин Халиловлардан соҳа сирларини мукаммал ўрганиб, ўз билимимни янада бойитиб боряпман.

– Замира билан бирга хизмат қилаётганимга анча йиллар бўлиб қолди, – дейди шартнома асосидаги хизмат сержанти, радиостанция бошлиғи Баҳром Жўраев. – У кўнгли очиқ, ҳамма билан бир зумда тил топишиб оладиган инсон. Ўз вазифасини юракдан ҳис қилиб, вақтида сифатли қилиб бажаради. Алоқа таъминотини узлуксиз бўлишини доимо назорат қилади. Алоқа тармоғида юзага келадиган носозликларни ҳам, ҳеч қийналмасдан бир зумда бартараф қила олади. Бу унинг ўз устида тинимсиз меҳнат қилиши натижасидир.

Шартнома асосидаги хизмат оддий аскари З.Амирова муваффақиятли ва яхши хизматлари учун округ қўмондонлиги, ҳарбий қисм ҳамда батальон командири томонидан бир неча бор Фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланган.

–Тўғри, айрим дугоналарим ҳарбийлик касбини танлаганимда аввал ҳайрон бўлишди, – дейди Замира. –Албатта, жанговар хизматнинг ўзига яраша машаққати бор, лекин ҳеч қайси касбда қийинчиликсиз роҳатга эришиб бўлмайди. Мен бу касбни танлаганимдан фахрланаман. Сафдошларим шартнома асосидаги хизмат оддий аскарлари Луиза Едихонова, Дилафрўз Боҳодировалар ҳам худди шундай фикрдалар. Ўғлим Раҳматуллонинг ҳам ҳозирданоқ ҳарбийликка ҳаваси баланд, балки оиладаги муҳит сабабдир. Унинг юрт ҳимоячиси бўлиб, эл-юрт корига ярайдиган инсон бўлишини жуда-жуда хоҳлайман. Келажакда олдимга қўйган мақсадларим кўп. Улардан бири сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, билим ва тажрибамни янада мустаҳкамлашдир.

Қуролли Кучларимиз жанговар сафларида оддий аскар Замира Амирова каби фидойи, матонатли ҳарбий аёлларимиз кўпайиб бормоқда. Бу биринчи навбатда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар самараси бўлса, иккинчидан профессионал посбонларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик мевасидир. Юртимизда қанчадан-қанча Замиралар Ватан ҳимояси йўлида фидойи бўлиб, халқимиз дуосини олиб келишмоқда. Биз уларнинг хизматлари ва оилаларига омад, бахт, олий мақсадларига эришиб юришларини тилаб қоламиз.

**Аҳрор ОЧИЛОВ.**
**Муаллиф олган сурат.**

# ТЕХНИКА ҚУДРАТИ ШАЙЛИКДА

Бугунги армиянинг қудратини жанговар техникаларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳарбий техникалар ҳамиша шай экан, машғулотлар ўз вақтида ўтказилиб, тажриба ортиб бораверади. Айни пайтда Қуролли Кучларимизда қишки ўқув мавсуми машғулотларига тайёргарлик ишлари фаол олиб борилмоқда. Биз алоқачилар қисмига борганимизда, ҳамиша илғор бўлган шунқорлар жанговар техникаларни назоратдан ўтказиб, қишки ўқув мавсуми машғулотларига тайёрлашаётган экан.

– Техника қудрати – шайликда, – дейди офицер Абдуғаффор Юсупов. – Ҳозир посбонларимиз ўзларига бириктирилган жанговар техникаларни кўрикдан ўтказишмоқда.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Дмитрий Павлов ўзининг ёрдамчиси шартнома бўйича хизмат оддий аскари Бегзод Мирзажонов билан ҳарбий қисм автопаркидаги алоқа постида жанговар техниканинг ишга яроқлилигини синчковлик билан текшириб кўришмоқда.

– Дала-ўқув машғулотига чиққанда ушбу алоқа тизимининг ўрни ниҳоятда катта эканлигини англаш қийин эмас, – дейди сержант Павлов. – Озгина носозлик туфайли бутун алоқа тизими ишдан чиқиши мумкин.

Таъминот гуруҳида доимо етакчи бўлган сержантни ўз ишининг устаси сифатида тилга олишимиз мумкин. Чунки ўқув машғулотлари қандай шароитда ўтказилмасин унинг жанговар техникаси ҳеч қачон панд бермаган.

## ДАЛА ШАРОИТИДА АГРЕГАТ ЎРНИ

Шартнома бўйича хизмат сержанти Ильдар Кашапов ёрдамчиси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Дилшод Акромов билан бирга агрегатларнинг кам-кўстсиз ишлашига жавобгар. Ахир дала шароитида алоқа тизими учун маълум даражада ток ишлаб чиқарувчи ушбу агрегат панд берса, олиб борилаётган машғулот анча оқсайди. Буни яхши англаган сержант Кашапов ишни камчиликсиз якунлаш учун ўз имкониятларини ишга солган.

## КУЧ БИРЛИКДА

– Машина фараларини текшириб кўрдингми?

– Ҳа, ҳозир ишга киришаман.

– Бўлақол, бугун барча ишни охирига етказишимиз керак, – дея шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Илҳом Тилабоев кичик командир Шавкат Шермаматовга мурожаат қилаяпти. Биз уларнинг олдига келганимизда шунқорлар анча банд эди. Чунки посбонлар жанговар техниканинг электр таъминотидаги камчилигини аниқлашиб, уни созлаш билан банд эдилар. Куч бирликда дегандай, посбонлар ҳамжиҳатликда ишни ниҳоясига етказишаётганди.

## КАМЧИЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Ўз ишининг устаси бўлган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Даврон Мамадиев жанговар техникаларнинг фильтрларини ювиш ва алмаштириш билан банд. Гуруҳда илғорлардан саналган посбон бу ишда камчиликка ўрин қолдирмаслик ҳаракатида. Касбини севиб қадрлаган посбон ўз вазифасига сидқидилдан киришган.

– Ўқув мавсумида жанговар техниканинг камчиликсиз ишлашини хоҳлайман, – дейди кичик сержант Мамадиев. – Агар ўқув мавсуми якунланмай техника носоз ҳолатга келса, бу ишга совуққонлик билан ёндашилганлигини кўрсатади. Бизнинг касбимизда бундай алфозда ишни якунлаб бўлмайди. Ахир биз халқимиз, юртимиз осойишталигини таъминлаш мақсадида, масъулиятли, айни дамда шарафли бўлган ҳарбийликни танлаганмиз. Мен ҳар доим ишга киришишдан аввал камчиликка йўл қўймаслик учун диққат-эътиборимни жамлаган ҳолда олдимдаги вазифани уддалашга киришаман.

## БИР-БИРИНИ ҚЎЛЛАШИБ

Офицер Рашид Ашуров етакчилигидаги шунқорлар доимо ўқув мавсуми машғулотларида ўзларининг илғорликларини намойиш этиб келишмоқда. Ёзги ўқув мавсуми машғулотларини юқори савияда ўтказган посбонлар қишки ўқув мавсуми машғулотларида ҳам юқори чўққиларни забт этишни мақсад қилишган.

– Гуруҳимиз азаматларининг етакчиликни қўлдан бермай келаётганининг сабаби, улар ҳар қандай вазиятда бўлишмасин бир-бирларини қўллаб туришади, – дейди офицер Ашуров. – Ҳозир жанговар техникаларимизни кўрикдан ўтказиб қишки мавсумга тайёрлаяпмиз. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Азамат Телегенов жанговар машинанинг мойлаш лозим бўлган қисмларини мойлаётган бўлса, ҳар қандай техникани миридан сиригача пухта биладиган кичик командир Тўйчи Саймиев машинанинг юриш қисмларини назоратдан ўтказмоқда. Жанговар техника билан сирлаша оладиган ушбу посбонлар, зиммаларидаги вазифани аъло уддалашади. Бунинг учун эса уларда етарлича маҳорат ва тажриба мужассам.

Ўзларига бириктирилган жанговар техникаларни асраб-авайлаб, мавсумга шайлаётган гуруҳ шунқорлари, айни пайтда ҳар қачонгидан банд. Чунки уларнинг диққат-эътибори техникасини мукаммал созлаб, шай ҳолатга келтиришга қаратилган. Ахир, посбоннинг доимий ҳамроҳи бўлган бу қудратли техникалар, ўқув мавсум ниҳоясигача уларга панд бермаслиги лозим-да.

Мана етакчи ҳарбий қисмлардан бирининг жанговар техникаларини қишки ўқув мавсумига тайёрлаш олдидан олиб борилаётган ишларини кўриб чиқдик. Доимо ўқув машғулотларида юқори кўрсаткичларга эришиб келаётган шунқорлар янги ўқув мавсумга ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда. Мақсад ушбу ўқув мавсумида юқори чўққиларни забт этиш.

**Ҳасан КОМИЛОВ.**
**Темур КАРИМОВ суратга олган.**









# «ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН»

Аёл зоти ҳамма вақт нозик хилқат бўлиб келган. Аммо табиат унга ўзига хос шундай куч-қудрат ато қилганки, у ўз ўрнида сабр-қаноатли, ўз навбатида жасоратли ишларга қодир бўла олади. Шу сабабли унга бекалик масъулияти билан бирга оналик машаққати насиб этган бўлса ажабмас.

Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган лавҳамиз қаҳрамони ҳам шоир куйлаганидек муқаддас аёл вакиласи. Биз сабр-қаноат ҳақида бежиз сўз очмадик. Мавлудахон турмуш ўртоғи Содиқжон ака билан саккиз йил бирга яшади. Шу йиллар ичида унга оналик бахти насиб этди. Бирин-кетин туғилган фарзандлари Шерзод ва Жаҳонгир оилага янада тўкислик олиб келди. Ўша онларда ундан бахтиёр аёл йўқ эди дунёда. Бироқ бевақт келган айрилиқ унинг бағридан умр йўлдошини бир лаҳзада юлиб кетди. Айрилиқ азоби, жуда эрта етим қолган фарзандларининг келажаги, рўзғорни тебратиш масъулияти ёш жувонни бир муддат тушкунлик комига тортгани табиий ҳол. Аммо яқинларининг меҳри, оналик бурчи, ёстиқдошининг оиладаги нафасини ҳис қилиб туриши унга куч ато қилди, аста-секин қад ростлади. Орадан маълум вақт ўтиб ҳарбий жамоада шартнома асосида хизмат қилаётган акаси Асроржоннинг маслаҳати билан ҳарбий қисм тиббиёт пунктига ҳамшира бўлиб ишга кирди. Ойлар, йиллар давомида ҳарбий хизматнинг масъулиятли қирраларини ўзлаштириб борди ва қатъий қарорга келди: «Албатта шартнома асосида ҳарбий хизматчи бўламан».

Эзгу ниятли инсоннинг эртаси ёруғ дейдилар. Ҳозирда шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Мавлуда Болтаева Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда катта планшетчи. Ҳа, янглишмадингиз, у ҳамширалик вазифаси жараёнида планшетчи дугоналарининг хизмати билан яқиндан танишиб борди ва унда ушбу соҳада ишлаш мақсади туғилди. Албатта ўзига хос масъулият талаб этадиган хизматнинг бу йўналишини мукаммал эгаллаш учун Мавлудахон астойдил ҳаракат қилди. Интилиши зое кетмади, ҳарбий жамоада ҳар томонлама ўрин топди. Мана, унинг ҳарбийлар сафида хизмат қилаётганига ўн тўрт йил бўлаяпти.



– Аёл учун севган касбида хизмат қилиш, фарзандлари камолини кўриш чинакам бахт, – дейди лавҳамиз қаҳрамони суҳбат чоғида. – Шунинг учун ўзимни бахтли аёл дейишга ҳақлиман. Турмуш ўртоғимнинг хотираси эса доимо менга куч бағишлаб туради. Айни дамда катта ўғлим Шерзод Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида таҳсил олаяпти. Уни келажакда ҳарбий учувчи бўлишида шубҳасизки, менинг ҳам ҳиссам бор. Чунки фарзандларим аввало менинг касбимга ҳурмат билан қарашди, ҳарбий соҳа вакили бўлишга интилишди. Кичик ўғлимнинг мақсади ҳам ҳарбий либос эгаси бўлиш. Шу сабабли қай даражада масъулиятли бўлмасин ушбу соҳани танлаганимдан хурсандман.

Тарбиячи офицер Шавкат Бердиев ҳарбий либосдаги аёллар ҳақида сўз кетганда, «Бизнинг ўзбек аёллари ҳар қандай соҳани мукаммал эгаллашга, уддалашга қодир» деган сўзга урғу бериб ўтди. Офицернинг фикри бежиз эмаслигини мен бир қатор хизматчи аёллар билан, айниқса Мавлудахон билан суҳбатлашганимда яққол ҳис қилдим. Чунки мустақиллигимизнинг илк йилларида ҳарбий либосдаги ўзбек аёллари Қуролли Кучларимиз сафида саноқли ўринларни эгаллаб турган бир пайтда ҳарбий хизматчи бўлишга жазм қилиш барчанинг қўлидан келавермасди. Ҳозирда эса ҳарбий соҳада ишлашга талабгор бўлган неча юзлаб қизларимизни учратишингиз мумкин. Айтмоқчимизки нима бўлганда ҳам ҳар бир соҳада биринчи бўлиш қийин.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Мавлудахон Болтаева ҳозирда тажрибали планшетчи сифатида атрофидаги ҳарбий либос вакилаларига меҳрибон ва талабчан устоз. Унинг тилаги: «Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, фарзандларимиз доимо саломат бўлсин!».

**Зулфия НОСИРОВА.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.**

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларида

# ПАРВОЗГА ШАЙ ЛОЧИНЛАР

VATANPARVAR
MARDLAR VATANNI QO'RIQLAYDI

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент вилояти кенгашига қарашли Ангрен шаҳар бўлими ҳам Қуролли Кучларимиз сафига малакали ҳайдовчилар тайёрлаш борасида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Ўқув жараёнида курсантлар «ВС» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасини олади. Ўқишга шаҳар мудофаа ишлари бўлими томонидан тавсия этилган ҳайдовчиликка, ҳарбийликка иштиёқи баланд йигитлар қабул қилинади. Автомобиль мактабида ҳарбий тайёргарлик машғулотлари – сафда юриш машқлари, Умумҳарбий низомлар талабчанлик билан ўргатилади. Курсантлар учун қирқ ўринли ётоқхона, ошхона, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган синфхоналар, амалиёт хоналари мавжуд. Маънавият хонасида курсантлар республикамизда чоп этилаётган матбуот нашрлари ва турли адабиётлар билан танишиб борадилар.

–Биз халқ хўжалиги учун кенг профилдаги ҳайдовчилар ҳам тайёрлаймиз. Хоҳловчилар ишдан узилмаган ҳолда, яъни кечки ўқув машғулотларида «В» тоифали (енгил автомашиналар), «ВС» тоифали (ҳам енгил, ҳам катта юк машиналар), «Д» (7 ўриндан юқори бўлган йўловчи ташиш микроавтобуслар ҳайдовчилари) ихтисосликлари бўйича таълим оладилар. Айни пайтда чақирувга тайёргарлик кўраётган бўлажак аскарларга ҳам ҳайдовчилик сирларини ўргатишга кенг эътибор беряпмиз. Улар сафимизда ҳам жисмонан, ҳам маънан етуклашиб борадилар, – дейди автомактаб бошлиғи Яшин Қурбонов.

Автомобиль мактаби спорт тадбирларида ҳам фаол жамоалардан ҳисобланади. Курсантлар ўртасида кўпкураш, турникда тортилиш, югуриш, пневматик милтиқдан ўқ отиш, тош кўтариш мусобақалари ўтказилиши анъана тусига кирган. Владимир Ушеко раҳбарлигидаги картинг клубини ҳақиқий маҳорат мактаби, десак муболаға бўлмайди. Клуб аъзолари ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигида биринчи, Тошкент шаҳар очиқ чемпионатида биринчи, Тошкент вилояти биринчилигида иккинчи ва шу каби қатор нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Максим Ушеко ўз тоифаси бўйича 2004-2005 йилда республика мутлоқ чемпиони бўлган бўлса, унинг издошлари автопойгаларда «кичик шумахерлар» деган ном олишган.

Автомобиль мактаби курсантлари Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгаши ташкил топганининг беш йиллиги муносабати билан чақирув ёшидаги йигитлар ўртасида ўтказилган кўпкурашда 3-ўринга муносиб деб топилди. Чақирув ёшидаги йигитларимизни жисмонан бақувват, интеллектуал салоҳиятлари юксак бўлиши учун астойдил ҳаракат қилинаётгани ўтказилаётган тадбирлар ва қизғин амалий машғулотларда ҳам яққол кўриниб турибди. Ёшлар ҳар жабҳада ўзларини обдон синаб кўришмоқда. Улар биргина спорт мусобақаларида эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам ўз иқтидорларини намойиш этишга интилишмоқда. Ёшлар учун авиамодель, кемамодель клублари ёшлар ижодиёти маркази қошида фаолият кўрсатиб, шу яқин атрофда яшайдиган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда қўл келмоқда. Кемамодель тўгараги аъзоси Иван Кунешов Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида мукаммал ясалган модель учун юксак ўринни қўлга киритди. Автомобиль мактаби маъмурияти шаҳардаги мактаб ва маҳаллалар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши, туман мудофаа ишлари бўлими, ҳарбий қисм билан доимий ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Мамлакатимизнинг турли бурчакларида жойлашган ҳарбий қисмлардан автомактаб номига курсантларнинг намунали хулқи, масъулияти юзасидан тез-тез миннатдорчилик мактублари келиб туради. Бу, албатта, тажрибали устозлар, амалий машғулот усталарининг тинимсиз меҳнатлари, изланишлари самарасидир. Жумладан, ўқитувчилар – Абдурашид Қулматов, Шарофиддин Абдураимов, Саид Абдуқаюмов, усталар Дониёр Қобилов, Пардабой Эргашевларнинг тажрибалари эътиборга моликдир. Ўқув-тарбия ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари Абдужалил Исмоиловнинг эътироф этишича, кўчадаги ўсмир билан автомактаб курсанти дунёқарашида, ўзини тутишида катта фарқ сезилади. Автомобиль мактаби раҳбариятининг ташаббуси билан ташкил этилаётган турли тарбиявий тадбирлар, амалий машғулотлар ўз ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Буни курсантларнинг қатъиятидан, шижоати ва бўлажак аскарларга монанд ҳаракатларидан ҳам сезиш мумкин. Улар парвозга шай турган лочинлар каби шижоатлидирлар.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**







# МАКТАБДА – ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ТАДБИРИ

Маълумки, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Фуқаро муҳофазаси тизимини такомиллаштиришга ҳамда пойтахтда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш ҳудудий қуйи тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида фаолият олиб бормоқда. Ҳамшаҳарларимизнинг ҳамжиҳатлиги эса бундай ишларда жуда қўл келяпти.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳар биримиз яшаш жойимиздаги табиий шароит, технологик жараён нечоғлик ривожланганлигига қараб, қандай хавф бўлиши мумкинлигини билишимиз, улар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларини амалиётда татбиқ этишимиз зарурдир. Мазкур йўналишда шаҳримизнинг Чилонзор туманидаги 195-сонли мактабда, Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 2006 йил 29 сентябрда тузилган 3 томонлама келишувга асосан жорий ойда санитар дружина командирлари билан биринчи босқичда семинар тренинг ўтказилди.

Тошкент шаҳридаги халқ хўжалиги объектлари санитар дружина (СД) командирлари билан эса, 30 октябрь – 3 ноябрь кунлари навбатдаги иккинчи босқич 5 кунлик семинар – тренинг ўтказилди.

Биринчи босқич семинар-тренинг махсус-тактик машғулотини Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи офицер Эргаш Икромов, бошқарма аҳоли ва ҳудудни муҳофаза қилиш бўлимидан катта лейтенант Мурод Жўрабоев, хизматчи Яролян Завенлар бошқариб, 380 дан ортиқ иштирокчиларга аҳоли ва ҳудудни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этиш йўллари, «Қутқарув хизмати» командирларининг иши, радиациядан зарарланган ҳудудда қутқарув ишларини олиб борилишини тўғри ташкил этиш, террористик хуружлар бўлганда биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш, санитар-дружина отрядлари шахсий таркибини маънан ва руҳан тарбиялашни ташкил этиш каби мавзуларни кенг ёритиб бердилар.

Тадбир давомида олинган назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида мактаб ҳудудида «Зилзила ва бу вазиятда тўғри ҳаракат қилиш» бўйича эвакуация ишлари ўтказилди.

Мактаб жамоаси, ўқувчилар ва «Марказ-16» маҳалла аҳли «табиий офат» вақтида тўғри ҳаракатланиб, мактабнинг очиқ майдонида ташкил этилган эвакуация пунктига эвакуация қилиндилар. Барча саъй-ҳаракатлар қутқарув ишлари ҳамда шартли «жароҳатланганларни» қидириш, «шикастланганлар»га тиббий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда олиб борилди.

Қутқарув ишлари ўз вақтида, кўнгилдагидек бажарилишига санитар-дружиначилар, маҳалла фаоллари ўз ҳиссаларини қўшдилар. «Зилзила» оқибатлари бартараф этилгач, амалга оширилган ишлар бўйича ахборот берилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, аввало, хавфсизликни таъминлаш борасидаги тарбияни оилада олиб бориш, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб ва олий ўқув юртларида фуқаро муҳофазасига оид билимлар бериш, аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмига оммавий ахборот воситалари, суҳбатлар, тадбирлар орқали тўғри тушунча бериш янада яхши натижаларга эришишимизга хизмат қилади.

**Ҳуснияхон ТОЖИБОЕВА,**
**Тошент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси.**

# ЛУЧШЕ НАЧАТЬ СЕГОДНЯ, ЗАВТРА БУДЕТ ПОЗДНО

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

**(Продолжение.**
**Начало в предыдущем номере).**

Позже, по признанию моей собеседницы, она проклинала себя за то, что пошла на этот шаг. Видеть в своем доме в роли второй жены мужа пусть даже знакомую женщину оказалось невыносимо больно. Больно и оттого, что ее родители в своей жизни, долго не имея детей, к подобным решениям проблемы никогда не прибегали. Даже при условии, что она была поздним и единственным их ребенком.

Душевные муки усугублялись и тем, что изменились ее отношения с мужем. Он стал раздражительным и все чаще беспричинно повышал на нее голос. До рукоприкладства не доходило, но сегодня ей кажется, будь она в те дни хоть на толику менее покладистой, побоев ей было бы не избежать.

Изменился и уклад их жизни. Он все чаще ругал ее за то, что она много времени уделяет шитью, выполняя на швейной машинке заказы клиентов. Последнее особенно сильно раздражало Анвара на фоне его низкой зарплаты сторожа одной из ташкентских мечетей. Она же, соглашаясь с его требованиями, все больше сужала круг своих заказчиков.

Запреты дошли и до ее отношений с соседями. Муж категорически запретил ей общаться с ними. А они не удивлялись тому, что она, всегда приветливая и общительная, согласилась с этим. Не удивлялись оттого, что оправдывали себя пониманием причины – ее необщительный муж имеет на нее большое влияние. Главное, что он не пьет и не бьет ее, а она не беспокоит соседей своими криками. И вообще, внешнее благополучие махалли они сохраняют, считаясь верующими людьми.

Категоричный запрет Анвара прозвучал и в отношении просмотра ею телевизионных программ. Она и в этом подчинялась ему, не понимая, что, сужая ее связь с внешним миром, он все больше фокусирует ее сознание на подчинении своей воле. Кстати, к выводу о его некомпетентных рассуждениях об исламе она пришла уже в тюрьме, когда впервые услышала имама, беседующего с такими же, как и она, женщинами-заключенными.

Но в те дни второй половины 2003 года все происходящее она оправдывала тем, что на Анвара действует атмосфера набожности его места работы в мечети. Не исключала она и влияния на него его новых знакомых, которые стали появляться в их доме после смерти ее матери. Этих гостей она боялась, чувствуя сердцем исходящую от них угрозу своему непростому женскому счастью.

Больше всего ей не нравилось то, что гости и муж часами шептались, после чего он еще более ужесточал свои «религиозные» требования, предъявляя их не только ей, но и ее дочери и второй жене.

Нет, она не связывала посещения гостей своего мужа с какой-либо антиконституционной деятельностью. Не связывала в силу своей полной аполитичности, не представляя себе, что кто-то решится на изменение существующего государственного строя. В этом я убедился, спросив ее мнение о современном халифате. В ответ она со слезами в глазах попросила меня не задавать ей именно этого вопроса: «Я настолько неграмотна в исламе, – произнесла она, успокоившись, – что любые попытки Анвара разъяснить мне, например, некоторые факты из жизни Пророка заканчивались нашей ссорой. Понимаете, я просто женщина-мусульманка, и мне совершенно безразличны ваххабиты и хизбуттахрировцы. В этом я ничего не понимаю и понимать не хочу. Я просто не отношусь ни к той, ни к другой категории».

Неспособность двух своих жен к восприятию внушаемых им религиозно-политических комментариев, с одной стороны, раздражала Анвара, но в большей степени и устраивала. Равно как и их слабохарактерность, не говоря уже об их готовности полностью подчиниться его воле. Все это устраивало настолько, что в один из дней января 2004 года он без разъяснений потребовал от нее начать шить из джинсовой ткани «фартуки» по выкройке, принесенной в их дом одним из гостей. Она начала шить, не подозревая, что в каждую «готовую продукцию» ее муж и его друзья будут закладывать пакет с взрывной смесью и мелким металлическим ломом, соединенный с детонатором, электрической батарейкой и тумблером. Позже из материалов уголовного дела она узнала, что «фартуки» называются «поясами смертников», а их начинка – СВУ (самодельное взрывное устройство).

УТРОМ 31 МАРТА 2004 ГОДА УЗНАЛА ОТ АНВАРА, ЧТО В РЕСПУБЛИКЕ ПРОГРЕМЕЛО НЕСКОЛЬКО ВЗРЫВОВ. В ТО ЖЕ УТРО МУЖ ВПЕРВЫЕ СКАЗАЛ ЕЙ, ЧТО ОН ЧЛЕН «ДЖАМОАТА», В ЧЬЮ ЗАДАЧУ ВХОДИЛО СОВЕРШЕНИЕ НЕСКОЛЬКИХ ТЕРРОРИСТИЧЕСКИХ АКТОВ.

Когда и при каких обстоятельствах она их увидела в действии? Для моей собеседницы это был самый трудный вопрос. Утром 31 марта 2004 года узнала от Анвара, что в республике прогремело несколько взрывов. В то же утро муж впервые сказал ей, что он член «джамоата», в чью задачу входило совершение нескольких террористических актов. Говорил и горько сожалел, что соратники не позвали его принять участие в акции, нацеленной на изменение конституционного строя в республике и провозглашение исламского государства. И еще он сказал, что к ним в дом придут милиционеры и солдаты, чтобы арестовать его. А она, опешив от его признания, сквозь слезы смотрела, как он надевает на себя один из сшитых ею «фартуков». Смотрела и не понимала, зачем он вложил в него опутанный проводами пакет с грязно-серым порошком, гайками и болтами.

А потом началось самое страшное. Анвар, взяв ее за руку, стал говорить то, что она однажды уже слышала в его разъяснениях о «шахидстве». Говорил он непривычно тихим голосом, и она чувствовала, что он очень волнуется, предлагая ей вместе с ним умереть ради Аллаха.

**(Продолжение следует).**

**Айдын ГУДАРЗИ.**

# МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



## Экологическая авария в Китае

В Китае в провинции Шаньси произошло загрязнение реки ядовитым веществом. Как заявил представитель местных властей, разлив токсических веществ произошел из-за аварии грузовика, который перевозил креозот. В реку вылились 33 тонны этого химиката, передает АР. В результате инцидента 28 тысяч человек остались без водоснабжения. По оценке местного экологического бюро, отравлено два миллиона кубометров воды, сообщает РИА Новости.



## Обстреляна казарма МВД Ливана

В Западном Бейруте, где располагается одна из частей городской жандармерии, прогремел сильный взрыв. Как сообщает ИТАР – ТАСС, на крышу одного из зданий упал минометный снаряд. Нанесен материальный ущерб, пожар потушен. Сведений о пострадавших нет. В октябре было зафиксировано четыре подобных инцидента. Власти расценили эти вылазки как сигналы о стремлении противников гражданского мира вновь дестабилизировать обстановку в стране.



## Запрещена продажа кваса

С 1 ноября в школах и детских садах Латвии запрещена продажа нездоровых продуктов питания. К таковым отнесены чипсы, лимонад, жевательные резинки, «coca-cola», «pepsi», энергетические напитки и даже квас. Все перечисленные продукты содержат красители, подсластители, консерванты, аминокислоты и кофеин.



## «Microsoft» подает судебные иски

Корпорация «Microsoft» подает судебные иски сразу против 55 компаний в США, Европе и Азии, которые занимались продажей нелегальных копий программ в интернете. Юристы «Microsoft» сообщили, что по отношению к самым злостным нарушителям они будут требовать тюремного заключения. Те, кто распространял нелицензионные программы в небольших масштабах, отделаются штрафами.



## Очередное изъятие телефонов

Вот уже три месяца находится под арестом принадлежащий компании «Телелогистика» склад с 10680 «трубками» общей стоимостью около 2,8 млн. долларов. Представители «Телелогистики» считают изъятие незаконным. По их словам, ввезенная в Россию партия телефонов прошла полную таможенную очистку: «Мы несем убытки – ведь до сих пор не заплатили производителям, с которыми работаем на условиях товарного кредита».




## «Ford» несет убытки

В третьем квартале 2006 года компания «Ford» понесла рекордные убытки – 5,8 млрд. долларов. Снижение продаж и огромные затраты на реструктуризацию производства привели к тому, что американская автомобильная корпорация зарегистрировала крупнейшие за последние 14 лет потери. Убыток компании за первые 9 месяцев 2006 года составил 7,24 млрд. долларов.



## Последний «крестный отец» умер

В автокатастрофе погиб последний «крестный отец» корсиканской мафии. Как сообщает CNN со ссылкой на источники в полиции, Жан-Батист Колонна потерял управление машиной на юге Корсики. По словам очевидцев, его автомобиль бросило в сторону, после чего он перевернулся. Полиция полагает, что во время движения у 67-летнего криминального авторитета произошел сердечный приступ. В 1978 году суд приговорил его к 17 годам тюрьмы за организацию в 50–60-х годах сети по транспортировке наркотиков.



## Обнаружен самый мощный клей

Исследователи из Университета Индианы и Университета Брауна обнаружили, что бактерия Caulobacter crescentus, обитающая в реках и канализационных сетях, производит клей, который в 2-3 раза мощнее лучших клеев, произведенных человеком, сообщает «The Washington Profile». Сила этого клея аналогична мощности, которая возникает при воздействии массы трех или четырех автомобилей на пятикопеечную монету.

(www.NEWSru.com).

